

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

395 - сон

2016 йил «29» ноябрь

«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТ «Алоқабанк» Кенгашининг
2016 йил «29» ноябрдаги
149 – сонли Байномаси



Кенгаш Раиси

X.M. Mirзахидов Х.М. Мирзахидов

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»

2017 ЙИЛ

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

1. Умумий маълумот	3
2. Банкинг мақсади ва 2017 йил фаолияти устувор йўналишлари	4
2.1. Мижозлар базаси	7
2.2. Банк капитали	7
2.3. Активлар	7
2.4. Банк кредит сиёсатининг асосий йўналишлари	7
2.5. Пул муомаласи	8
2.6. Пластик карталар ва терминаллар	8
2.7. Даромад, харажат ва фойда	9
2.8. Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг янги талаблари	9
3. Банк инфратузилмасини ривожлантириш	10
4. Ташқи иқтисодий фаолият	10
5. Ахборот технологиялари	11
6. Кадрлар сиёсати	12
7. Банк фаолиятини амалга оширишни белгиловчи ички меъёрий ҳужжатлар	14

1. Умумий маълумот

1. Банкинг тўлиқ номи: Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»

2. Қисқартирилган номи: АТ «Алоқабанк»

3. Таъсис этилган йили: 1994 йил

4. Лицензиялар:

- 1995 йил 22 март Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 48-сонли банк амалиётларини амалга ошириш лицензияси (2014 йил 4 августда 48-сонли лицензияга алмаштирилган);

- 1996 йил 21 август Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 38-сонли хорижий валютада амалиётларни амалга ошириш ҳақидаги Бош лицензияси (2014 йил 4 августда 59-сонли лицензияга алмаштирилган).

5. Банкинг шакли (тури): Кенг қамровли (универсал)

6. Ташкилий-тузилмавий шакли: Акциядорлик жамияти

7. Банк реквизитлари:

100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Миробод тумани, Амир Темурашхон шохқўчаси, 4-уй
тел.: 0 (371) 230-77-77, факс: 0 (371) 233-47-10
веб-сайт: www.aloqabank.uz, e-mail: info@aloqabank.uz

8. Банк таркиби:

- 14 та филиал
- 23 та минибанк
- 96 та хизмат кўрсатиш кассалари
- 19 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари

9. Банк рейтингини:

- "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги томонидан:
 - миллий валютадаги депозитлар бўйича – B1/NP;
 - хорижий валютадаги депозитлар бўйича – B2/NP;
 - барча рейтинглар бўйича – «Барқарор» рейтингини берилган
- Ахбор-рейтинг миллий агентлиги томонидан:
 - uza+ "Барқарор" рейтингини берилган

10. АТ "Алоқабанк" бугунги кунда куйидаги ташкилотлар аъзоси:

- Ўзбекистон банклари ассоциацияси;
- Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси;
- «Аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш» жамғармаси;
- Ўзбекистон умумдавлат тўлов тизими;
- S.W.I.F.T. халқаро тўловлар тизими;
- VISA халқаро тўлов тизими;
- Ўзбекистон Республикаси Лизинг берувчилар ассоциацияси;
- «Тошкент» Республика-фонд биржаси.

2. Банкнинг мақсади ва 2017 йил фаолияти устувор йўналишлари

2017 йилда банк ўз фаолиятини олдинги йиллардаги ривожланишининг юқори суръатларини сақлаб қолган ҳолда, барқарор ривожланишни таъминлаш, самарадорликни ошириш, капиталлашув даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этиш мақсадларини ўз олдига белгилаб олган.

Ушбу мақсадлар ижросини таъминлаш учун куйидаги устувор вазифалар амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 6 майда қабул қилинган "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва ресурс базасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2344-сонли Қарори талабларини ижросини таъминлаш, жумладан:

- 2015-2019 йилларда банк назорати бўйича Базель кўмитасининг тижорат банкларига, шу жумладан улар капиталининг етарлилигига ва ликвидлигига нисбатан янги стандарт ва талабларини (Базель III стандартлари) банк фаолиятида босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш;

- депозит хизматини кўрсатиш сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш;

- банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий қилиш йўли билан аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг кўламда жалб этиш;

- охириги йилларда инфляция даражаси ва Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши, шунингдек,

бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини инобатга олган ҳолда банк томонидан жалб қилинадиган депозитлар ва аҳоли омонатларининг фоиз ставкаларни оптимал даражада бўлишини таъминлаш;

- банк томонидан жалб қилинган депозитлар, хусусан аҳоли омонатлари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган рискларни минимал даражада бўлишини таъминлаш мақсадида омонатларнинг структураси ва шартларини қайта кўриб чиқиш;

- эмиссия қилинган қимматли қоғозларни жойлаштириш ҳисобидан банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, бунда, узоқ муддатли облигациялар, депозит сертификатлари ва субординар қарз мажбуриятларнинг банк ресурс базасидаги ҳажмини ошириб бориш;

- илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, хусусан интернет банкинг хизматидан фойдаланувчи mijozлар базасини янада ошириб бориш;

- банк фаолияти бўйича ахборотлар оммавийлигини, шу жумладан банкнинг веб-сайтига йиллик ва оралиқ молиявий ҳисоботларни жойлаштириш ва банк сири тўғрисидаги қонунчиликка хилоф бўлмаган равишда ўрнатилган тартибдаги бошқа усуллар орқали янада ошириш;

- банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш;

- муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари ҳамда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сонини кўлайтириш, шунингдек ушбу йўналишда Марказий банк томонидан ўрнатилган режа кўрсаткичини тўлиқ бажариб бориш;

- 2015-2019 йилларда банк томонидан олинган соф фойданинг 20 фоизини имтиёзли кредитлаш фондига ўтказиб борилишини таъминлаш;

- етакчи хорижий банклар ва молия институтларида бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида хатарларни бошқариш ва ички назоратни яхшилаш усулларини такомиллаштириб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори билан тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси, Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси

индикаторларини ҳар чорақда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги дастури"да белгиланган параметрларни бажарилишини таъминлаш;

3. Банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва молия-кредит соҳаларини барқарор ривожлантириш асосида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан банка бўлган ишончни мустаҳкамлаш;

4. Банkning устав капиталини ва соф фойдасини кўпайтириб унинг капиталлашув даражасини ошириш орқали тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш;

5. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига янада кенг жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ўсишини таъминлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, мижозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз таъминлаш. Бунинг учун:

а) омонатларнинг янги турларини жорий этиш ҳисобига аҳоли омонатлари ҳажмини ўсиб боришини таъминлаш;

б) чиқарилган пластик карталар ва ўрнатилган терминаллар сонини ошириб бориш ва улардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада кенгайтириш;

в) банк томонидан чиқарилган "Жисмоний шахслар учун Интернет-банкнинг" янги хизмат турини кенг оммага тарғиб қилиш йўли билан ушбу хизмат турини ривожлантириш;

г) банк томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

6. Банkning рақобатбардошлигини ошириш, юқори сифатли хизмат кўрсатиш, барча вилоятларда банк филиаллари тармоғини, минибанкларни ривожлантириш ва улар томонидан хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, маданиятини ва сифатини ошириш;

7. Банкни профессионал жиҳатдан тайёрланган, замонавий фидрлайдиган юқори малакали ходимлар билан бутлаш, банк кадрларининг юқори даражада малака оширишлари ва иқтисодий таълим олишларига шарт – шароит яратиш.

Белгиланган вазифаларни бажариш, банк фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича фаол иш олиб бориш мақсадида 2017 йилга асосий молиявий кўрсаткичлар белгиланди. (1–8 жадваллар). Белгиланган кўрсаткичлар куйидагилардан ташкил топган:

2.1. Мижозлар базаси

Банк томонидан мижозларга янада қулай шарт-шароит яратиш, замонавий технология ва инновациялардан самарали фойдаланиш ҳисобига мижозлар базасини кенгайтириш, шунингдек мижозларнинг банкка бўлган ишончини ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришиш банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Банк томонидан хизмат кўрсатиладиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонини 2017 йилда камида **20 700** дондан ортиқ бўлишини таъминлаш кўзда тутилди.

2.2. Банк капитали

Банк капиталининг етарли даражада ўсишини таъминлаш орқали капиталнинг монандлигига қўйилган талабларга риоя қилиш мақсадида банк устав капиталини 2017 йилда **133,9** млрд. сўмгача етказиш, шунингдек режалаштирилаётган йилда олинадиган соф фойда ҳисобига банк хусусий капиталини 2017 йил якунида **256,8** млрд. сўмга етказиш кўзда тутилди.

Банкнинг капиталлашув даражасини камида **20,0** фоиз миқдорида ошириш режалаштирилди.

2.3. Активлар

Банк активларини бошқаришда келгусида стратегик йўналишларни белгилаш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш, ликвидлилик ва даромадлиликни энг мақбул даражасига эришиш ҳамда банк таваккалчиликларини оқилona бошқариш ишлари давом эттирилади.

2017 йилда банк активларини – **1 785** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди ҳамда жами активлар таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғини ва сифатини ошириш кўзда тутилди.

2.4. Банк кредит сиёсатининг асосий йўналишлари

Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек ушбу корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни ҳажмини оширишга алоҳида эътибор бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини янада кенгайтириш, кредит қўйилмаларини

сифатли йўналтиришга қаратилган фаол кредит сиёсатини олиб бориш давом этади.

2017 йил якуни бўйича кредит қўйилмаларининг қолдигини **1 420,0** млрд. сўмга етказиш белгиланди.

2.5. Пул муомаласи

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш, мижознинг биринчи талабига кўра уни нақд пул маблағлари билан узлуксиз таъминлаш, банк чакана хизматлари ҳажминини кўпайтириш 2017 йилда банкнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

2017 йилда омонатлар қолдигини **10,0** фоизга ошириш кўзда тутилган. Банк томонидан чакана хизматлар кўламинини кенгайтирилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тушаётган тушумлар ҳамда ажратилаётган истеъмом ва ипотека кредитлари ҳажминини оширилиши натижасида 2017 йил давомида жами **2 672,0** млрд. сўм (терминал орқали тушган тушумлар билан бирга) тушум бўлиши режалаштирилаётган бўлиб, бунда тушум миқдори 2016 йилга нисбатан **1,3** мартага кўп бўлиши кутилмоқда.

Тушумлар миқдорининг кўпайиши натижасида 2017 йилда мижозларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ банкнинг ўз тушумлари ҳисобидан тўлаб берилиши режалаштирилган.

2.6. Пластик карталар ва терминаллар

2017 йилда пластик карталарни чиқариш ва улар орқали тўловларни амалга ошириш учун терминаллар ўрнатиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилади. Бунда, 2017 йил якунида муомалага чиқарилган пластик карталар қолдигини – **325,5** минг донага етказиш белгиланган.

Пластик карталардан фойдаланиш орқали ўтказилган транзакциялар миқдорини кўпайтириб бориш мақсадида 2017 йилда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сонини **6 168** донага етказиш кўзда тутилган.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини янада ривожлантириш мақсадида пластик карта ҳисоб рақамига эга бўлган мижозларни “Интернет-банкнинг” хизматига улаш ва ҳисобрақам қолдиги доирасида коммунал ва бошқа тўловларни амалга оширишларига шарт-шароитлар яратиб бериш кўзда тутилди.

2.7. Даромад, харажат ва фойда

2017 йилда банк даромадининг ўсиш даражасини сақлаб қолган ҳолда, **310,0** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди. Бу даромадларнинг **225,0** млрд. сўми фоизли даромадлар, **85,0** млрд. сўми фоизсиз даромадлардан ташкил толади. Фоизли даромадларнинг асосий қисми, яъни **181,9** млрд. сўми, ссуда ва лизинг операцияларидан олинishi кўзда тутилган. Фоизсиз даромадларнинг асосий қисмини эса **65,8** млрд. сўми, кўрсатилган хизматлар ва воситачилик операцияларидан олинган даромадлар ташкил этади.

2017 йилда жами **267,7** млрд. сўмлик банк харажатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг **129,0** млрд. сўми фоизли харажатлар, **10,9** млрд. сўми фоизсиз харажатлар ва **127,8** млрд. сўми операция харажатлардан иборат бўлади.

Банкнинг соф фойдаси 2017 йилда – **42,3** млрд. сўм миқдорда белгиланиб, бу кўрсаткични 2016 йил якунига нисбатан **22,0** фоизга ошириш кўзда тутилган.

2.8. Банк назорати бўйича халқаро Базель кўмитасининг янги талаблари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 6 июлдаги "Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида" ва 2015 йил 13 августдаги "Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низомларга асосан банк назорати бўйича Базель кўмитасининг тавсиялари (Базель-III стандартлари)ни 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини давом эттириш, хусусан 2017 йил якунига:

- регулятив капиталнинг монандлик коэффициентининг камида 13,5 фоиз;
- I даражали капиталнинг монандлик коэффициентининг камида 10,5 фоиз;
- ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентининг камида 100 фоиз;
- соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентининг камида 100 фоиз бўлишини таъминлаш лозим.

Юқоридаги меъерий кўрсаткичларга нисбатан белгиланган талабларни оғишмай бажарилишини таъминлаш мақсадида банк томонидан 2017 йилда қуйидаги чора-тадбирлар амалга ошириш режалаштирилди:

- қисқа мuddатли банклараро депозитларни жойлаштириш орқали банклараро депозитлар портфелини шакллантириш ва унинг қолдигини камида 40-50 млрд. сўм миқдорида сақлаш;
- юридик шахслар ва банклардан жалб қилинадиган депозитларнинг асосий қисмини 1 йилдан ортиққа жалб қилиш;
- облигация ва депозит сертификатларини бошқа банк ва юридик шахсларга узоқ мuddатга жойлаштириш;
- банк устав капиталига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва/ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали банк устав капиталини ошириш ҳамда банк капитализациясининг ошиб боришини таъминлаш;
- узоқ мuddатли хорижий кредит линияларини жалб қилиш;
- узоқ мuddатли кредитларни ажратиш суръатини камайтириш, шу жумладан ажратилаётган кредитларнинг мuddатини қисқартириш.

3. Банк инфратузилмасини ривожлантириш

2017 йилда банкнинг инфратузилмасини ривожлантириш белгиланган бўлиб, филиаллар сонини 16, минибанклар сонини 25 тага етказиш режалаштирилди.

2017 йилда банк томонидан янги хизмат турларини жорий қилиш, мижозларга турли хил қўшимча шарт-шароитлар яратиш орқали потенциал мижозларни жалб қилиш режалаштирилди.

4. Ташқи иқтисодий фаолият

АТ «Алоқабанк» томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боришдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

- валюта активлари ва пассивларини самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ барча хавф-хатарларини бошқариш учун ички тартибларни оптималлаштириш;
- банк фаолиятида валюта ҳисоб-касса ва депозит операциялари, халқаро тўловлар, халқаро тўлов чеклари ва пластик карталари билан операциялар, инвестицион фаолият, халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш, нақд чет эл валютаси муомаласи, халқаро кафилликни фаол ривожлантириш;
- ўрнатилган вакиллик муносабатлари тизими орқали мижозларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини юритишлари учун кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиш, уларнинг

маблагларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишларини жонлантириш;

- банк хизмати кўламини ошириш мақсадида мижозларнинг экспорт-импорт операциялари бўйича амалга ошириладиган банк кафолати, аккредитив тўлов шаклларидаги ҳисоб-китоб тизимини амалга оширишда хорижий банк корреспондентлар ҳамкорлигида ишлаш кўламини кенгайтириш;
- халқаро валюта бозорларида қатнашиш ҳамда конверсион операциялар кўламини янада кенг қамровда амалга ошириш;
- халқаро пул ўтказмалари фаолиятини кенгайтириш ҳамда шу йўл билан жорий валюта операциялар турини кўлайтириш;
- иқтисодий ривожланган давлатлар банкларида банкнинг вакиллик муносабатларини ўрнатишни янада кенгайтириш.

5. Ахборот технологиялари

Ахборотлаштириш даражаси ва замонавий технологиялардан фойдаланиш ташқи бозорда ҳам, ички бозорда ҳам банкнинг самарали иқтисодий ривожланишининг ва рақобатбардошлигининг асосий факторларидан бири бўлиб қолмоқда.

Банк томонидан тайёрланадиган барча ҳисобларни тайёрлаш тизимини автоматлаштириш, банкнинг Амалиёт бошқармаси ва барча филиалларидаги операция бўлимлар фаолиятини оптималлаштириш орқали мижозларга кўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилди.

Интернет-банкнинг, мобил-банкнинг ва SMS-банкнинг тизимдан фойдаланувчилар сонини ошириш, бунда омонатчиларнинг банкдаги ўз маблагларини масофадан туриб назорат қилишлари, истаган вақтда тўловларни ўтказишлари имкониятини жорий қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари банк мижозлари бўлган аксарият ташкилотларга "Банк-мижоз" дастури орқали хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

2017 йилда банк филиалларини замонавий ишчи станциялар, серверлар ва дастурий воситалар билан таъминлаш, мижозларга кўрсатиладиган хизматларни тезлаштириш, уларга кўшимча қулайликлар яратишда янги имкониятлар жорий этиш ишларини давом эттириш кўзда тутилган.

Омонатлардаги амалиётларни мижоз томонидан бармоқ излари ёрдамида тасдиқлаш бўйича ишларни ўрганиш ва уни татбиқ этиш кўзда тутилган.

Электрон рақамли имзо билан боғлиқ барча хизмат кўрсатиш тизимлари, электрон ҳисоботлар ягона электрон имзо билан амалга ошириш ишлари давом эттирилади.

Банкнинг расмий веб-сайтини такомиллаштириш ҳамда веб-сайт орқали тақдим этилаётган интерактив хизмат турлари сонини, шу жумладан транзакцион хизматларни кўлайитириш ҳамда ушбу хизматларни ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялашни ривожлантириш режалаштирилган.

2017 йилда банк ходимларини ва информацион технологиялар мутахассисларини малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилади. Банк ўқув методик марказининг 2017 йилга мўлжалланган ўқув курслари ва семинарлари жадвалига ахборот технологиялари ва "Электрон ҳукумат" йўналишидаги ўқув дастурларини киритиш режалаштирилди.

2017 йилда ахборотлаштириш инфраструктурасини автоматлаштиришни босқичма-босқич татбиқ этиш давом этади. Хусусан, "SAP" (Германия) компаниясининг корпоратив маълумотлар омборини яратиш, аналитик маълумотларни тайёрлаш ва кредит жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий таъминотларини ўрнатиш режалаштирилган.

6. Кадрлар сиёсати

Банқда кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, янги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш, банк мутахассислари ва раҳбариятининг ваколатлари ва масъулиятларини ошириш кўзда тутилган. Келгусида кадрларни юқори даражада малака ва иқтисодий билимларини оширишлари, банкнинг стратегик ривожланиши масалаларини ҳал қилишга қодир малакали гуруҳларни ташкил этиш кадрлар сиёсатининг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Банк юқори малакали кадрларни танлаб олиш ва илғор жамоани шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бунинг учун кадрлар сиёсатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб олинди:

1. Банкни юқори малакали ходимлар билан таъминлаш:

- а) ходимларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, прогнозлаш, ходимларни танлаш ва саралаб олиш тизимини яратиш;
- б) кадрлар захирасини шакллантириш, ходимларнинг лавозим погоналарида кўтарилишини режалаштириш;
- в) ходимларни профессионал ўқитиш, уларнинг малакаси ва билимларини ошириб бориш;
- г) ходимлар малакаси ва билимларини баҳолаш, уларнинг сифат таркибини яхшилаш.

2. Рағбатлантириш тизимини ривожлантириш:

- а) ҳар бир ходимнинг банк ишига кўшган ҳиссаси ва профессионаллик даражасига мос равишда мансабларини ошириш ва рағбатлантиришни йўлга қўйиш;
- б) ходимларни қўллаб қуватлаш ва профессионаллик даражасини оширишда, шунингдек, мансабларини кўтариш истиқболларини режалаштиришда банк ходимлари фаолиятини баҳолашнинг замонавий усулларини қўллаш;
- в) банк структурасини оптималлаштириш, методологик ишларни олиб бориш;
- г) ходимлар билан ишлашда банк бюджетини ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- д) ходимлар билан ишлаш стратегиясини ишлаб чиқиш.

3. Ходимларни рағбатлантириш:

- а) ходимлар рағбатлантирилишини кучайтириш, меҳнатни компенсациялашнинг янги тизимини ишлаб чиқиш (кўшимча тўловлар, бонуслар ва ҳоказо);
- б) меҳнат жараёнларини таҳлил қилиш, уларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- в) иш шароити ва меҳнатни муҳофаза қилинишини яхшилаш, меҳнатдан қониқишни ошириш.

4. Корпоратив маданиятни ривожлантириш:

- а) ходимларни ахборот билан таъминланишини йўлга қўйиш;
- б) корпоратив маданиятни оширишнинг комплекс дастурини амалга ошириш;
- в) банкда ижтимоий - психологик муҳитни янада яхшилаш.

Банк ходимлар сонини 2017 йил якунида янги филиал ва минибанклар очилиши ҳисобига **1 240** тага етказиш режалаштирилди.

Раҳбарлик лавозимларига тайинланиш учун заҳирага олинган ходимларнинг сифат таркибини шакллантиришни "Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизимида раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ходимлар заҳираси таркибини шакллантириш бўйича Тавсиялар" асосида амалга ошириш ва уни такомиллаштириб бориш кўзда тутилди.

Кадрлар сиёсатини амалга ошириш шарт-шароитларини оптималлаштириш ва механизмларини такомиллаштириш ҳар бир банк ходимининг сифатли ва самарали фаолият олиб боришларига боғлиқ.

7. Банк фаолиятини амалга оширишни белгилловчи ички меъёрий ҳужжатлар

- 1 АТ «Алоқабанк» Устави
- 2 «АТ «Алоқабанк» акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом
- 3 «АТ «Алоқабанк» Кенгаши тўғрисида»ги Низом
- 4 «АТ «Алоқабанк» Бошқаруви тўғрисида»ги Низом
- 5 «АТ «Алоқабанк»да Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқаруви Раиси ва аъзоларига ҳамда банк ходимларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги Тартиб.
- 6 Ягона Жамoa шартномаси
- 7 «Ходимларга иш ҳақи тўлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида»ги Низом.
- 8 Кредит, Банк таваккалчиликларини бошқариш, Бухгалтерия ҳисоби, Эмиссия Дивиденд, Инвестиция, Ликвидлиликни бошқариш ва Депозит сиёсатлари
- 9 Банк валюта активларини самарали бошқариш стратегияси
- 10 АТ «Алоқабанк»нинг 2015-2019 йилларга белгиланган ривожланиш стратегияси.
- 11 Жинoий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари
- 12 АТ «Алоқабанк» миждозларига кўрсатилган банк хизматлари учун ундирилаётган тарифлари

Бошқарув Раиси

Келишилди

Бошқарув аъзолари

М Абдурахманов

У. Қўқонбоев

Ш Бахриддинов

Х Раҳматов

Х Буронов

Ш Искандаров

А Абдукахаров